



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA
VAZIRLIGI HUZURIDAGI BOJXONA QO'MITASINING
TOSHKENT SHAHRI BO'YICHA BOSHQARMASI**

100185, Toshkent shahri, Bunyodkor shoh ko'chasi 35-uy. tel.: (71) 207-09-39, toshkent_shahri@customs.uz

2023 йил 09 ноябрь

15/22-23-1541

**Божхона брокерлари уюшмаси
раиси**
А.О. Айрапетъянцга

*Тошкент шаҳар, Янубод тумани,
Фарғона йўли кўчаси, 23-уй.*

ТАҚДИМНОМА

Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиши сабаблари ва унга имконият яратиб берадиган шарт-шароитларни бартараф этиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида, божхона органларининг асосий вазифаларига божхона тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонунчилик бузилишларининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уларни аниqlаш ва уларга чек қўйиш белгиланган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг (*кейинги матнда БК*) 287-моддасида, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга товарларни тўғри декларациялаш давомида мазкур товарларнинг божхона тўловларини тўғри ҳисоблаш ҳамда товарларнинг ТИФ ТН кодларини тўғри белгилаш ва бошқа мажбуриятлари юклатилган.

Бошқарманинг Суриштирув ва маъмурий амалиёт шуъбаси томонидан божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ айrim қонунбузилиш ҳолатлари бўйича олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар томонидан божхона юқ декларацияларида товарларнинг номи ва ТИФ ТН



Р.Т.Таджиев
Бошқарма бошлиғи
ўринбосари
09.11.2023 йил.
№ 7-636712/23

рақамларини ўзgartириб, божхона тўловларидан қонунга хилоф равища имтиёзлар олганлик ҳолатлари аниқланиб келинмоқда.

- “*Sold Advance Group*” МЧЖ номига олиб келинган товарларни “*Fancy Group*” ХК божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси А.Хўжсаев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.06.2021 йилдаги 352-сонли қарорига асосан жуда кўп миқдордаги божхона тўловларидан берилган имтиёздан фойдаланиш мақсадида, жуда кўп миқдордаги товарларни бошқа товар остида яширган ҳолда, бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланганлиги ҳолати юзасидан жиноят иши қўзгатилиб, дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириши учун тергов организга юборилган.

- “*Inter Exim Brok*” МЧЖ номига олиб келинган товарларни “*Grand Impex*” МЧЖ божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси Б.Ишанходжаев, ТИФ ТН кодини нотўғри белгилаганлиги ҳолати юзасидан жиноят иши қўзгатилиб, дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириши учун тергов организга юборилган.

Шу билан бирга аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан ўтказилган терговга қадар текширувлар давомида божхона организга тақдим этилган БЮДларни божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар томонидан товар эгасининг ЭРИ калитидан фойдаланган ҳолда расмийлаштириш ҳолатлари аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўриб келинмоқда.

Мисол учун: “*FIRST CLASS TASTE*” МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан юритилган ҳуқубузарлик ҳолатлари бўйича БЮДнинг 50 ва 54-графаларида жамият раҳбари ва вакили кўрсатилган бўлиб, терговга қадар текширув давомида БЮДни “*Oirboy brok servic*” МЧЖ божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис Н.Сайдурханов “*FIRST CLASS TASTE*” МЧЖ раҳбари VU JUYЕга тегишили бўлган ЭРИ калитидан фойдаланган ҳолда шакллантириб божхона органларига тақдим этганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзгатилиб, дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириши учун тергов организга юборилган.

- “*Rosso electronic technologies*” МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан юритилган ҳуқубузарлик ҳолатлари бўйича БЮДнинг 50 ва 54-графаларида жамият раҳбари ва вакили кўрсатилган бўлиб, терговга қадар текширув давомида БЮДни “*Procare*” МЧЖ божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис У.Рахматуллаев “*Rosso electronic technologies*” МЧЖ раҳбари Р.Аббасовга тегишили бўлган ЭРИ калитидан фойдаланган ҳолда шакллантириб божхона органларига тақдим этганлиги аниқланган ва “*Procare*” МЧЖ божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси У.Рахматуллаевга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштириб, Жиноят ишлари бўйича судга юборилган.

- Фуқаро У.Расуловга нисбатан юритилган ҳуқубузарлик ҳолатлари бўйича БЮДнинг 50 ва 54-графаларида фуқаро У.Расулов кўрсатилган бўлиб, терговга қадар текширув давомида БЮДни “*Interbrokservis*” МЧЖ божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис Б.Тастанов фуқаро У.Расуловга тегишили бўлган ЭРИ калитидан фойдаланган ҳолда шакллантириб божхона органларига тақдим этганлиги аниқланган



Р.Т.Таджиев
Бошқарма бошлиғи
ўринбосари
09.11.2023 йил.
№ 7-636712/23

ва “Interbrokservis” МЧЖ божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси Б.Тасстановга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилб, Жиноят ишилари бўйича судга юборилган.

Юқорида кўрсатилган ва шунга ўхшаш қонун бузилишларини олдини олиш юзасидан божхона органи томонидан тегишли профилактик чоратадбирлар ўтказилиб келинишига қарамасдан, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисилар томонидан ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашиб, БЮД расмийлаштируvida Божхона кодекси ва божхонага оид бошқа норматив ҳуқуқий хужжатлар талабларига риоя этмаслиги, хусусан товарнинг ТИФ ТН кодини таснифлашда етарли билим ва малака етишмаслиги натижасида, улар томонидан божхонага оид ҳуқуқбузарликларини содир этиш ҳолатлари мунтазам равишда давом этиб келинмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 313-моддаси ва “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 32-моддасига асосан, -

с ў р а й м а н :

1. Мазкур тақдимнома уюшманинг кенгайтирилган йиғилишида уюшма аъзолари иштирокида атрофлича муҳокама қилишингизни ва қонун бузилишларнинг келиб чиқиши сабаблари, бунга имконият яратиб берётган шарт-шароитларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик юзасидан тегишли чораларни кўришингизни;

2. Келгусида қонунбузилиш ҳолатларни олдини олиш юзасидан божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисларни билим савиясини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва божхонага оид бошқа норматий ҳуқуқий хужжатларни ўрганилишини ташкил этиш, хусусан товарларнинг ТИФ ТН коди ҳамда божхона қийматини тўғри белгилаш юзасидан билим ва малакасини оширишни ташкил этишингизни;

3. Божхона расмийлаштируви жараёнида, қасдан божхона тўловларини камайтириш мақсадида қилинадиган барча ноқонуний ҳатти-харакатлар ҳамда коррупцион ёки таъмагирлик ҳолатлари учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бўйича жиноий жавобгарликка тортилишлик тўғрисида божхона расмийлаштирув мутахассисларини огоҳлантириб, домий профилактик чоралар кўришингизни;



Р.Т.Таджиев
Бошқарма бошлиғи
ўринбосари
09.11.2023 йил.
№ 7-636712/23

4. Кўрилган чоралар, амалга оширилган ишлар ҳақидаги ахборотни, шунингдек йиғилиш баёнини нусхасини Тошкент шаҳар божхона бошқармасига қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичидаги тақдим этишингизни.

Ижрочи: О.Рахимов

Тлф.: 30-56



Р.Т.Таджиев
Бошқарма бошлиғи
Ўринбосари
09.11.2023 йил.
№ 7-636712/23